

ҚОРАҚЎЛЧИЛИКДА НАСЛЧИЛИК ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Шодиев Б. – ҚМШИ, аспирант.

Ўзбекистон Республикасининг умумий ер майдонининг қарийб 25 млн. гектари, яъни 56,7 фоизи чўл ҳамда табиий ўтлоқзорлардан иборат бўлиб, азалдан қорақўл зоти қўйлар урчитиладиган яйловлар сифатида фойдаланиб келинган.

Қорақўл қўй зоти ҳалқ селекцияси натижасида яратилиб, улардан олинадиган қорақўл терилари ўзининг нафислиги, бежиримлиги, пишиқлиги, ранг-баранг тусларда товланиб туриши билан жаҳон мўйна бозорида ҳамиша муносиб баҳоланиб, талаб ҳар доим юқоридир.

Қорақўлчилик соҳанинг асосий маҳсулоти бўлган қорақўл териларини ишлаб чиқариш манбаи бўлибгина қолмасдан балки, арзон таннархларда гўшт, жун ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш манбаи ҳамдир. Чўллар ўзлаштириш ва унинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳозирги даврда қорақўл қўйларини урчитиш чўл минтақалари ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ягона, иқтисодий жиҳатдан асосланган ва мақсадга мувофиқ йўлидир.

Чунки, чўл минтақаси яйловлари йил бўйи қорақўл қўйлари ҳамда яйловда парваришланаётган туя ва йилқилар учун ҳам арзон озуқа манбаи бўлиб хизмат қилади. Шунинг билан бирга қорақўлчилик чўл ҳудудларида яшовчи 2,0 млн.дан ортиқ аҳолининг турмуш даражасини белгилайдиган асосий соҳалардан биридир. Демак, қорақўлчиликни янада ривожлантириш, соҳада иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва ривожлантиришнинг яқин 10 йилларга мўлжалланган устивор йўналишларини аниқлаш соҳа тараққиётини белгилайдиган долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Қорақўл зотининг маҳсулдорлигини ранг ва гул шакллари бўйича ошириш имконияти жуда юқори бўлиб, ушбу имкониятдан унумли фойдаланишга селекцион-генетик жиҳатдан асосланган самарали усулларни қўллаш йўли билан эришиш мумкин.

Қорақўл қўй зотининг таркиби жуда мураккаб бўлиб, унинг 10 ранг, 12 тус ва 30 га яқин ранг – барангликлари мавжуд. Ушбу қимматбаҳо генофондни сақлаш, насл сифатини такомиллаштириш, селекция – наслчилик ишлари 20 наслчилик заводлари ва 9 наслчилик хўжаликлари ва 76 та товар хўжаликларида амалга оширилмоқда.

Қўйларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва наслий сифатларини яхшилаш, экспортбоп ассортиментдаги қорақўл терилар ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берувчи амалий жиҳатдан қўллаш осон бўлган селекцион-генетик тадбир ишлаб чиқилган.

Қорақўлчиликда наслчилик ишларининг вазифаси – қорақўл қўйларининг маҳсулдорлигини ошириш, бозор талаби даражасидаги қорақўл тери етиштиришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш, қора, кўк, сур ва бошқа камёб рангдаги, ярим доира, қовурғасимон ва ясси қалам гулли терилар етиштириш мақсадида қорақўл зотини ўзлуксиз такомиллаштиришдан иборат.

Наслчилик ишларини олиб бориш энг яхши қўйларни насл учун мутассил танлаб олиш ва яроқсизларини сурув таркибидан чиқариш, уларнинг ирсий хусусиятларини мустаҳкамлаш учун сифатли маҳсулот берадиган қўйларни тўғри жуфтлашни амалга оширишга қаратилган.

Наслчилик ишларини юритишда ҳар хил жуфтлаш усулларини қўллаш, қўзиларни тўғри парвариш қилиш, насли қўчқорларни талабга жавоб берадиган даражада ва етарли миқдорда кўпайтириш вазифалари бири-бири билан боғлиқ ҳолда олиб борилиши лозим.

Танлаш ишларининг асосий усули қўзиларни 1-3 кунлигида баҳолаш ва насл учун ўстиришга қолдирилган қўчқор қўзиларни 15-20 кунлигида қўшимча баҳолашдир.

Селекция-наслчилик ишларини юритиш талабларига мувофиқ қорақўлчиликда наслчилик заводлари, наслчилик ва товар хўжаликлари фаолият кўрсатади. Наслчилик заводлари ва хўжаликлари товар хўжаликлари учун насл материали ишлаб чиқаради ва кўпайтиради. Бу хўжалик категориялари селекция-наслчилик ишларини юритиш

тизимининг асосини ташкил қилади. Ҳар бир категориядаги хўжаликлар учун маълум вазифалар белгиланган.

Наслчилик заводининг асосий вазифаси — завод типига мансуб бўлган қўйларнинг наслий ва маҳсулдорлик сифатларини такомиллаштириш, юқори маҳсулдор наслли қўйларни ўстириш ва биринчи навбатда наслли қўчқорларни наслчилик ва товар хўжаликларига етказиб бериш ҳисобланади.

Наслчилик хўжаликларида наслчилик ишларининг асосий вазифаси — юқори маҳсулдор қўчқор ва совлиқларни кўпайтириш, ўстириш ва товар хўжаликларига сотишдан иборат. Ҳар бир наслчилик хўжалигига бир нечта товар хўжаликлари бириктирилади. Бу хўжалик уларга наслдор қўйлар етказиб бериш йўли орқали таъсир қилади.

Товар хўжаликларнинг асосий вазифаси — кўпроқ миқдорда юқори сифатли қорақўл тери ва бошқа қорақўлчилик маҳсулотларини етиштиришдан иборат.